

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МУЗАФАРОВА ЛУИЗА УМАРОВНА**

**БИЛИМ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ БАДИИЙ  
ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК КЎЛАМИДА КОНЦЕПТУАЛЛАШУВИ  
(Ж.Д.СЭЛИНЖЕР АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
авторреферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Музафарова Луиза Умаровна**

Билим тузилмаларининг бадий интертекстуаллик кўламида  
концептуаллашуви (Ж.Д.Сэлинджер асарлари мисолида) ..... 3

**Музафарова Луиза Умаровна**

Концептуализация структуры знаний в пространстве художественного  
интертекста (на материале произведений Дж.Д.Сэлинджера) ..... 29

**Muzafarova Luiza Umarovna**

Conceptualization of knowledge structure within intertextual fiction space  
(on the material of works by J.D.Salinger) ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МУЗАФАРОВА ЛУИЗА УМАРОВНА**

**БИЛИМ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ БАДИИЙ  
ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК КЎЛАМИДА КОНЦЕПТУАЛЛАШУВИ  
(Ж.Д.СЭЛИНЖЕР АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil1591 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nuu.md.uz](http://www.nuu.md.uz)) ҳамда “Ziynet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаров Шахриёр Сафарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ашурова Делярам Умаровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Агзамова Дилдора Бахадиржановна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент ш., Фароби к., 400. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz). Ўзбекистон миллий университети, Хорижий филология факултети).

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Университет к., 4. Тел: (+99871) 246-08-62, (99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Н.Э.Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**И.А.Сиддикова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертациянинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида мураккаб масалаларни ечишда фанлараро ёндашувга асосланиш анъанаси мавжуд. Ҳар доим ҳам ўзаро боғлиқ бўлмаган турли фанларнинг ютуқлари ва тадқиқот усулларидан фойдаланиш кўпинча синергик самара беради ва мураккаб муаммоларни, хусусан, тил ва инсон тафаккури ўртасидаги муносабатларга тегишли муаммоларни ҳал қилишга ундайди. Бадий асарларда концептуал маънони шакллантириш ва идрок этиш жараёнларининг тадқиқи шундай вазифалардан биридир. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг мураккаблиги бир қатор омиллар билан боғлиқ, улар орасида маълум бир асарнинг кўплаб прецедент матнлар билан ажралмас алоқаси биринчи ўринга чиқади, бу эса когнитив бирликлар воқеланиш маконининг кенгайишига сабаб бўлди.

Дунё фанида ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш воситаси сифатида қараладиган тил бирликлари орқали инсон онгида воқеликни акс эттиришнинг шакл ва усуллари аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда тафаккур ва онгининг вербал шакллари ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Натижада, нутқда, шу жумладан, воқеликни англашнинг самарали усулларидан бири сифатида қаралиши мумкин бўлган бадий матн майдонида когнитив бирликларнинг шаклланиш механизмларини чуқур ўрганиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида туб ислохотлар йўлига ўтиб, ҳақли равишда Учинчи Уйғониш даври деб белгиланган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тикланиш босқичини бошдан кечирмоқда. “Мамлакатни янада ривожлантиришда замонавий билим ва ва касб-ҳунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ёшлар муҳим ўрин тутди”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, бадий матнларда онгни акс эттириш усуллари чуқур ўрганиш нафақат юртимизда когнитив лингвистиканинг ривожланишига, балки чет тилда фикрлашнинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ тушунишга ва натижада маданиятлараро мулоқот самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020

---

<sup>1</sup> “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга интервьюси // [https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda\\_293336](https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda_293336)

йил 11 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаш илмий тадқиқот фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бу борадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” доирасидаги устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ю.Кристева<sup>2</sup> номи билан боғлиқ бўлган интертекстуаллик назарияси ўз илдизларини Ф.де Соссюрнинг семиотик тизим<sup>3</sup> ҳақидаги таълимоти, М.М.Бахтиннинг диалогизм ғоялари<sup>4</sup> ва Р.Бартнинг деконструктивистик ёндашувидан<sup>5</sup> олган. Бу назариянинг ривожланишига қуйидаги олимларнинг ишлари катта ҳисса қўшган: Ю.М.Лотман<sup>6</sup> томонидан таклиф қилинган “матндаги матн” атамаси бадиий асар интертекстуаллик табиатининг моҳиятини акс эттиради, Б.М.Гаспаров ўз ишида лисоний фаолиятнинг асосий бирлиги сифатида “коммуникатив парча” тушунчасини киритади<sup>7</sup>, Ю.Н.Караулов “прецедент матн” атамасини таклиф қилган<sup>8</sup> ва бошқалар. Прецедент матнларнинг табиатини ўрганган тадқиқотчилар, хусусан, Н.А.Кузьмина, Г.В.Денисова улар орасида “кучли” ёки “ядровий”, яъни маданиятда аҳамиятга эга бўлганларини ажратишади<sup>9</sup>; М.Р.Галиева мифологик ва диний матнларнинг прецедент имкониятларини алоҳида қайд этади<sup>10</sup>; Ш.С.Сафаров матннинг белгига оид хусусиятини, унинг воқелик парчаси билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди<sup>11</sup>.

<sup>2</sup> Кристева Ю. Бахтин, слово, диалог и роман / Французская семиотика: От структурализма к постструктурализму. – М.: Прогресс, 2000. – С. 427-457.

<sup>3</sup> Соссюр Ф. де Курс общей лингвистики. – М.: УРСС Эдиториал, 2007. – 257 с.

<sup>4</sup> Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Советская Россия, 1979. – 363 с.; Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1986. – 445 с.

<sup>5</sup> Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика: Пер. с фр. / Ролан Барт; Сост., общ. ред. и вступ. ст. Г.К.Косикова. – М.: Прогресс: Универс, 1994. – 615 с.

<sup>6</sup> Лотман Ю.М. Статьи по семиотике культуры и искусства. – СПб.: Академический проект, 2002. – 544 с.

<sup>7</sup> Гаспаров Б.М. Язык, память, образ: лингвистика языкового существования. – М.: Новое литературное обозрение, 1996. – 352 с.

<sup>8</sup> Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: УРСС, 2004. – 216 с.

<sup>9</sup> Денисова Г.В. В мире интертекста: язык, память, перевод. – М.: Азбуковник, 2003. – 297 с.; Кузьмина Н.А. Интертекст и его роль в процессах эволюции поэтического языка. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С. 51-52.

<sup>10</sup> Галиева М.Р. Отражение мифолого-религиозного сознания в языковой картине мира. Автореф. докт. дисс. (DSc) по филол. наукам. – Фергана, 2019. – 78 с.

<sup>11</sup> Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧГИК, 2018. – 250 с.

Когнитив тилшуносликнинг фундаментал муаммолари Р.Лэнекер, Д.Герертс, В.Эванс ва М.Грин асарларида кўриб чиқилган<sup>12</sup>; Ж.Лакофф ва М.Жонсон ишларида ушбу тадқиқот учун аҳамиятли бўлган метафоранинг когнитив назарияси асослари<sup>13</sup> ишлаб чиқилган бўлиб, у Ж.Фоконье ва М.Тёрнернинг ақлий маконлар назарияси ва концептуал интеграция назарияси бўйича тадқиқотларида ижодий ривожлантирилган<sup>14</sup>; тадқиқотимиз учун асосий бўлган билимлар тузилиши ҳодисасини фрейм конструкцияси доирасида ўрганишга когнитив ёндашув М.Мински томонидан таклиф қилинган<sup>15</sup>. Тил ва тафаккур муносабатларининг муаммолари ҳамда когнитив семантика масалалари Е.С.Кубрякова, Н.Д.Арутюнова, Н.Н.Болдырев, А.А.Кибрик<sup>16</sup> ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида чуқур таҳлил предмети бўлган.

Юртимиз лингвокогнитологлари бадиий матннинг когнитив жиҳатлари билан боғлиқ кенг кўламли масалаларни, жумладан, когнитив стилистика муаммоларини тадқиқ қилмоқдалар, хусусан, Д.У.Ашурова<sup>17</sup>, Н.М.Джусуповлар<sup>18</sup> стилистик усулни когнитив тузилма сифатида кўриб чиқишган; Ш.С.Сафаров когнитив тилшуносликнинг фундаментал муаммоларига ҳамда когнитив метафора назариясини янада тадқиқ этишга эътибор қаратган<sup>19</sup>; Н.З.Нормуродова бадиий матннинг антропоцентризм<sup>20</sup>, К.М.Амануллаева бадиий концептни таҳлил қилган<sup>21</sup>.

---

<sup>12</sup> Langacker R. Foundations of Cognitive Grammar. Volume II. – Stanford, CA: Stanford University Press, 2002. – 589 p.; Geeraerts D. Rough Guide to Cognitive Linguistics // Cognitive Linguistics: Basic Readings. Ed. by Geeraerts D. – Berlin-New-York: Mouton de Gruyter, 2006. – 497 p.; Evans V., Green M. Cognitive Linguistics. An Introduction. – Edinburgh University Press, 2006. – 851 p.

<sup>13</sup> Lakoff G., Johnson M. Metaphors We Live by. – Chicago: The University of Chicago Press, 2003. – 256 p.

<sup>14</sup> Fauconnier G. Mental Spaces. Aspects of Meaning Construction in Natural Languages. Cambridge University Press, 2003. – 240 p.; Fauconnier G., Turner M. The Way We Think. Conceptual Blending and the Mind's Hidden Complexities. – New-York: Basic Books, 2002. – 440 p.

<sup>15</sup> Minsky M. A Framework for Representing Knowledge / The Psychology of Computer Vision, ed. Patrick H. Winston. – New York: McGraw-Hill, 1975. – P. 211-277.

<sup>16</sup> Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – М.: Языки славян. культуры, 2004. – 555 с.; Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. Изд. 2-е. – М.: Изд-во ЛКИ, 2008. – 156 с.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. Изд. 2-е, исп. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 896 с.; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Введение в когнитивную семантику: курс лекций. Изд. 4-е, испр. и доп. – Тамбов: Изд. дом ТГУ им. Г.Р.Державина, 2014. – 236 с.; Болдырев Н.Н. Язык и структура сознания // Когнитивные исследования языка. Выпуск XXIV. Личность. Язык. Сознание, 2016. – № 24. – С. 35-48; Кибрик А.А. Когнитивные исследования по дискурсу // Вопросы языкознания, 1994. – № 5. – С. 126-139.

<sup>17</sup> Ашурова Д.У. Стилистика текста в парадигме когнитивной лингвистики // Филология масалалари, 2003. – № 1. – С. 41-45; Ашурова Д.У. Художественный текст: когнитивный и культурологический аспекты // Ўзбекистонда хорижий тиллар, 2020. – № 2 (31). – С. 126-138.

<sup>18</sup> Джусупов Н.М. Когнитивно-стилистика основы выдвижения в англоязычном художественном тексте. Дисс. ... докт. филол. наук. – Т., 2020. – 330 с.

<sup>19</sup> Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92-б.; Сафаров Ш.С. Метафора ҳодисаси талқинига янгича ёндашув имкониятлари // Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим, 2020. – № 1 (74). – Б. 7-11; Safarov Sh. About functions of metaphor // Global and national values along Great Silk Road: language, education and culture. Proceedings of the international scientific conference. – Samarkand-Shanghai, 2021. – Б. 35-37.

<sup>20</sup> Нормуродова Н.З. Антропоцентризм художественного дискурса. – Т.: Навоий университети НМУ, 2019. – 164 с.

<sup>21</sup> Амануллаева К.М. Концептосфера художественного произведения и средства репрезентации базовых концептов в переводе (на материале произведений Харуки Мураками). Автореф. дисс. ... докт. философ. (PhD) по филол. наукам. – Самарканд, 2020. – 62 с.

Ж.Д.Сэлинджернинг асарлари анъанавий тарзда адабиётшунослик нуқтаи назардан кўриб чиқилган, “Гласслар оиласи”даги ҳикоя ва қиссаларни ўрганиш кўпинча машҳур “The Catcher in the Rye” романининг соясида бўлиб қолган.

“Гласслар оиласи” асарларининг эстетик ва фалсафий келиб чиқишининг тафсилотлари И.Л.Галинская томонидан аниқланган<sup>22</sup> ва америкалик тадқиқотчиларнинг ишларида танқидий таҳлил қилинган<sup>23</sup>. Шу билан бирга, Ж.Д.Сэлинджер асарларининг лингвистик жиҳатлари ва уларни бошқа тилларга таржима қилиш муаммоларига ҳам қатор тадқиқотлар бағишланган<sup>24</sup>.

Бироқ бадиий асарларнинг мажмуи концептуал маънони амалга ошириш учун макон сифатида ва когнитив амалларни воқелантириш воситаси сифатидаги интертекстуал алоқаларни ҳисобга олган ҳолда ҳали ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Дискурсив фаолиятнинг когнитив-прагматик таҳлили” мавзусидаги илмий йўналишида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** концептуал бирликларнинг, билим тузилмаларининг интертекстуал бадиий маконда ифодаланиш шакллари ва воқеланиш механизмларининг аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

замонавий филологияда интертекстуалликни ўрганиш даражаси ва жиҳатлари ҳамда матнлараро муносабатларни когнитив нуқтаи назардан ўрганиш истиқболларини таҳлил қилиш;

бадиий матн маконида ва интертекстуал маконда когнитив бирликларни шакллантириш механизмларини аниқлаш;

когнитив нуқтаи назардан интертекстуал алоқанинг шакллари ва прецедент матнларнинг табиатини очиб бериш;

бадиий матн доирасида метафорик интеграция механизмларининг фаоллашувини кўриб чиқиш;

билимларнинг когнитив тузилиши мазмунини лисоний ва нолисоний ўрганиш.

---

<sup>22</sup> Галинская И.Л. “Девять рассказов” и повести о Глассах Дж.Д.Сэлинджера. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Киев. гос. ун-т им. Т.Г.Шевченко. – Киев, 1972. – 23 с.; Галинская И.Л. Философские и эстетические основы поэтики Дж.Д.Сэлинджера. – М.: Наука, 1975. – 110 с.

<sup>23</sup> Alexander Ch. Salinger's “Franny and Zooey” and “Nine Stories” (A Critical Commentary). – New York: Monarch Press, 1966. – 72 p.; Alsen E. Salinger's Glass Stories as a Composite Novel. – NY: Whitston Publ., 1983. – 271 p.

<sup>24</sup> Воронцова И.И., Навольнева М.А. Два перевода романа Дж.Д.Сэлинджера “The Catcher in the Rye” в диахронии: сравнительный анализ // Новый филологический вестник, 2017. – № 3 (42). – С. 254-264; Галинская И.Л. Судьба романа Дж.Д.Сэлинджера “Ловец во ржи”. Лингвостилистический анализ романа “Ловец во ржи” // Вестник культурологии, 2017. – № 2 (81). – С. 27-49; Липустина О.М., Щелок Т.И., Виноградова Н.Г. Эмотивная лексика в романе Дж.Д.Сэлинджера “Над пропастью во ржи” // Филологические науки. Вопросы теории и практики. Том 12. Выпуск 4. – Тамбов: Грамота, 2019. – С. 55-59.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Гласслар оиласи”га шартли равишда бирлаштирилган Ж.Д.Сэлинжер асарлари интертекстуал маконида фаоллашган турли даражада мавхумлаштирилган когнитив бирликлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бадий матнда концептуал мазмуннинг шаклланиш хусусиятлари ва концептуаллаштириш жараёнида интертекстуал алоқаларнинг тутган ўрни ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифий таҳлил, контекстуал таҳлил, когнитив-концептуал ва концептуал моделлаштириш каби умумий ва махсус тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

концептуал когнитив бирликларнинг воқеланиш макони сифатида интерматнни шакллантирувчи когнитив-стилистик воситалар ҳамда миллий-маданий хусусиятга эга бўлган “кучли” прецедент матнларнинг бевосита ва билвосита турли контекстларда намоён бўладиган концептуал-бадий кўрсаткичлари аниқланган;

бадий (интер-)текстуал маконда мавхумликнинг турли даражасини намоён қиладиган концептуал бирликлари шаклланишининг мантиқий асосга эга индуктив ва дедуктив механизмлари ҳамда мазкур бирликларнинг асар муаллифи томонидан тўлдирилишини таъминловчи когнитив-дискурсив омиллар исботланган;

прецедент матнларнинг когнитив билим тузилмалари шаклида лисоний-тафаккур фаолияти жараёнида воқеланадиган концептуаллаштирилиши ва интертекстуал алоқалар – иқтибослар, ишоралар (аллюзия), пародиялар орқали фаоллашуви далилланган;

бадий матндаги метафорик интеграция босқичлари ҳамда бу жараёнга туртки берувчи механизм сифатида бадий тафаккур маҳсули бўлган триггер-метафоранинг роли муҳимлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

интертекстуал алоқаларни таҳлил қилишнинг ишлаб чиқилган методикаси бадий матннинг филологик таҳлили доирасида қўлланилиш истиқболи белгиланган;

турли даражадаги когнитив бирликларини таҳлил қилишнинг тавсия этилган усуллари асосий когнитив амаллар – тоифалаш ва концептуаллаштиришнинг хусусиятларини тушунишга кўпроқ аниқлик киритади, бунинг олиб борилаётган лингвокогнитив тадқиқотлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши лозимлиги очиқ берилган;

олиб борилган тадқиқотлар ва олинган натижалар бадий асарлар, хусусан, улардаги иқтибослар, ишоралар, эслатмалар, киноя, пародиялар ўртасидаги интертекстуал боғланиш шакллари келгусида ўрганиш истиқболларини белгилаб бериши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари асосида олинган хулосаларнинг таҳлил методологияси ва услубига мувофиқлиги билан, ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги, янги ва муҳим

вазифаларнинг ҳал этилиши, кенг қамровли материални таҳлил қилиш асосида олинган илмий хулосаларнинг назарий асослангани, замонавий тадқиқот усуллари қўллаш орқали тадқиқот муаммоларининг ҳал қилингани, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилгани ва ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интертекстуаллик назариясини янада ривожлантиришга ва уни юртимизнинг филология фанида муҳим ўрин эгаллашига ёрдам беради, жаҳон ва миллий адабий мероснинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда имкониятдаги прецедент матнлар кўрсаткичларини аниқлаш мезонлари ҳам назарий жиҳатдан аҳамиятлидир, шунингдек, олинган натижалар мавҳумлик даражаси, фаоллашув кўлами каби турли параметрларни фарқлаш ҳамда миллий ўзига хос ва индивидуал мазмунни ойдинлаштириш орқали когнитив бирликларни таҳлил қилиш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртларида таълим жараёнида “Когнитив лингвистика”, “Адабий матннинг концептуал таҳлили”, “Адабий матннинг филологик таҳлили” фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларида тадқиқот материалларидан фойдаланиш имкониятида, янги авлод ўқув адабиётларини яратишда, шунингдек, интертекстуаллик ва когнитив лингвистика муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интертекстуал маконда когнитив бирликларнинг фаоллашув хусусиятларини ўрганиш жараёнида эришилган натижалар асосида:

тадқиқотда аниқланган миллий-маданий хусусиятга эга бўлган “кучли” прецедент матнларнинг концептуал-бадий кўрсаткичларига оид хулосалардан Руминиянинг Орадея университетида бажарилган “The analyse and generation of the models and politics for regional development based on valorisation of heritage and cultural identities”, Programme 1 – Development of national research-development system, PN-III-P1-1.2-PCCDI-2017-0686 лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Руминиянинг Орадея Университетининг 2022 йил 23 майдаги 28/2017-0686-сонли маълумотномаси). Натижада, маданий мероснинг ижтимоий мақомини белгилаш ва тарғиботи борасидаги маълумотлар тўплами бойитилган;

бадий маконда мавҳумликнинг турли даражасини намоён қиладиган когнитив бирликларининг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш борасида олинган натижалардан Самарқанд давлат тиббиёт университетида амалга оширилган 5436012000264 – “Инновацион хулқ-атвор психологияси: инновацион шахсни шакллантириш. Замонавий жамиятнинг ижтимоий-гуманитар муаммолари” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2022 йил 25 майдаги 11620-сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу бирликлар нафақат универсал, балки шахсиятга оид параметрлар хусусида ҳам тўлиқ маълумот

олишга кўмак берувчи индивидуал (муаллифлик) унсурларни ҳам ўз ичига олишини аниқлаш имкони яратилган;

прецедент матнларнинг когнитив билим тузилмалари шаклида онгда концептуаллаштирилиши ҳамда уларнинг иқтибос, ишора (аллюзия), пародия кабилар орқали воқеланишига оид хулосалардан Европа Иттифоқининг TEMPUS дастурлари доирасида Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган 544161-TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPSR Aston University DeTEL “Developing the Teaching of European Languages: Modernising Language Teaching through the development of blended Masters Programmes” Темпус лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 19 майдаги 1264/30.02.01-сонли маълумотномаси). Натижалар инглиз тилини ўрганаётган магистратура талабаларининг ёзма матнни тушуниш малакасини ошириш мақсадида бадиий матнни таҳлил қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бадиий матндаги метафорик интеграция босқичларининг кечиши ҳамда бу жараённинг муҳим механизми сифатида триггер-метафоранинг роли ҳақидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган ОТ-Атех-2018-519: “Компьютер имитацион моделлари асосида виртуал ресурсларнинг веб-иловаси учун дастурий таъминотни яратиш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 19 майдаги 1263/30.02.01-сонли маълумотномаси). Натижада, виртуал ресурслар шаклланишининг дастлабки босқичида триггер-метафоранинг роли аниқланган ҳамда метафорик блендинг таҳлил қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш имконини берди;

бадиий интертекстуал маконнинг мазмун жиҳатларини бошқа семиотик тизимлар нуқтаи назаридан ифодалаш имкониятига оид хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган И-204-4-5: “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 19 майдаги 1262/30.02.01-сонли маълумотномаси). Натижада, махсус ўқув фани доирасида адабий асарни филологик таҳлил қилиш алгоритми такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 6 та республика ва 6 та халқаро конференцияларда маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий натижалари 18 та илмий мақолада ўз аксини топган, шулардан, 6 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик ишининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган нашрларда, жумладан, 1 таси хорижий ва 5 таси республика илмий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, боблар бўйича хулосалар, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқот мақсади ва вазибалари аниқланган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари кўрсатилган; илмий янгилик ифодаланган, тадқиқотнинг амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ва уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Бадий интертекстни концептуал ўрганиш истиқболлари”** деб номланган биринчи боби интертекстуалликни матн категорияси сифатида ва унинг ифодаланиш шакллари ўрганишга, билимларнинг когнитив тузилиш мақомини ва унинг бадий матнда воқеланиш хусусиятларини аниқлашга, шунингдек, Ж.Д.Сэлинджернинг “Гласслар оиласи” мисолида интертекстуал маконни концептуал тушуниш тамойилларини белгилашга бағишланган.

Интертекстуаллик назарияси замонавий филология фанида мустаҳкам ўрин эгаллаб, ҳам адабиётшунослик, ҳам тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ предметиға айланди. “Интертекстуаллик” атамаси (французча *intertextualité*, инглизча *intertextuality*) Ю.Кристева томонидан тақлиф қилинган бўлиб, у “ҳар қандай матн иқтибослар мозаикаси сифатида қурилади, ҳар қандай матн бошқа матнни ўзлаштириш ва ўзгартиришдир”<sup>25</sup> деб таъкидлайди.

М.М.Бахтин маданиятларнинг бадий диалоги ғоясини шакллантирди – ёзувчи бир вақтнинг ўзида ҳозирги замон билан ҳам, ушбу даврнинг замонавий адабиёти билан ҳам, олдинги давр бадий асарлари билан ҳам муносабатда ҳаракат қилади<sup>26</sup>. Диалог тушунчаси матнлар ўртасидаги ўзаро боғланиш шакли сифатида Р.Бартнинг ишларида ривожлантирилди. У барча маданий ҳодисаларни, шу жумладан, бадий матнларни ҳам белгилар тизими сифатида қараш мумкин, деб ҳисоблайди. Деконструктивизм мактаби доирасида Р.Барт “муаллифнинг ўлими” ҳақидаги фаразни баён қилади, бу эса ижодкор шахснинг принципиал жиҳатдан янги, оригинал матн яратиш имкониятиға эға эмаслигини англатади<sup>27</sup>. Ю.М.Лотман “матндаги матн” атамасини бадий асар интертекстуал табиатининг инъикоси сифатида

<sup>25</sup> Кристева Ю. Бахтин, слово, диалог и роман / Французская семиотика: От структурализма к постструктурализму. – М.: Прогресс, 2000. – С. 427-457.

<sup>26</sup> Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Советская Россия, 1979. – 363 с.; Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1986. – 445 с.

<sup>27</sup> Барт Р. Смерть автора / Ролан Барт Избранные работы: Семиотика. Поэтика: Пер. с фр. Сост., общ. ред. и вступ. ст. Г.К.Косикова. – М.: Прогресс: Универс, 1994. – С. 391.

ишлатиб, ҳар қандай бадиий матн икки тарафламалик хусусияти билан ажралиб туради – бир томондан, у мустақил, муаллифлик асаридир, бошқа томондан, матн бошқа муаллифларга тегишли бўлган қўшимча элементларни ўз ичига олади, деб таъкидлайди<sup>28</sup>.

Б.М.Гаспаров интертекстуаллик назариясини ривожлантирар экан, инсон онгида сақланадиган лисоний фаолиятнинг бирламчи бирлиги бўлган “коммуникатив фрагмент” тушунчасини киритади ва ундан тайёр ахборот парчаси сифатида фойдаланади<sup>29</sup>.

Бизнинг фикримизча, прецедент матн сифатида ўқувчига олдиндан маълум бўлган маданий аҳамиятга эга асарни ажратиш муҳимдир. Прецедент матн (Ю.Н.Караулов атамаси) остида маълум бир лисоний шахслар гуруҳига маълум бўлган, нутқда (матнда) қайта-қайта мурожаат қилинадиган нутқнинг когнитив ва ҳиссий жиҳатдан аҳамиятли бўлаклари назарда тутилади<sup>30</sup>. Миллий ёки жаҳон маданияти учун аҳамиятли бўлган асар кўпинча маълум бир тарихий даврдан, ўзи яратилган вақтдан ташқарига чиқади ва ҳақиқий прецедент матнга айланади. Шу билан бирга, нафақат матн, балки ҳодиса, вазият, исм ёки гап ҳам прецедент бўлиши мумкин.

Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида интертекстуал характердаги тадқиқотлар ҳали керакли миқёсга эга эмас. Замонавий ўзбек олимларининг ишларида ушбу ҳодисанинг баъзи жиҳатлари кўриб чиқилган. Масалан, Ш.С.Сафаров матнни муайян белги тизимининг бирлиги сифатида тан олади, шу тарзда уни воқелантириб, ундан мунтазам равишда фойдаланиш мумкин<sup>31</sup>. Афсоналар кўпинча прецедент матнлар ролини ўйнайди ва бу борада Д.У.Ашурова ва М.Р.Галиеваларнинг қайд этишича, “мифологемалар” турли тил бирликлари, шу жумладан, матнлар билан ифодаланиши мумкин<sup>32</sup>.

Шундай қилиб, интертекстуаллик ҳар қандай матннинг, биринчи навбатда, бадиий матннинг, олдинги – прецедент – матнлар билан алоқаси кўринишидаги ажралмас хусусияти сифатида таърифланади. Прецедент матнлар сифатида кўпинча миллий ёки жаҳон маданияти учун аҳамиятли бўлган бадиий асарлар қўлланади, улар матн-реципиентда мажассамлашган ҳолда қайтадан англаб олинади ва концептуаллаштирилади. Интертекстуал алоқалар прецедент матнларнинг тушунилишини ва интеграциясини таъминлайди, шу сабабдан прецедент матнлар билимнинг когнитив тузилмалари сифатида ифодаланиши мумкин.

Когнитив лингвистика тилнинг тизимли табиати, тузилиши ва вазифаларини тавсифлашни мақсад қилган ҳолда бевосита унинг ўзини ўрганади. Шу билан бирга, лингвокогнитологлар ўз ишларида тил тафаккур

<sup>28</sup> Лотман Ю.М. Статьи по семиотике культуры и искусства. – СПб.: Академический проект, 2002. – 544 с.

<sup>29</sup> Гаспаров Б.М. Язык, память, образ: лингвистика языкового существования. – М.: Новое литературное обозрение, 1996. – С. 122.

<sup>30</sup> Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: УРСС, 2004. – С. 216.

<sup>31</sup> Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧГИК, 2018. – С. 85.

<sup>32</sup> Ashurova D.U., Galieva M.R. Cultural Linguistics. – Т.: VneshInvestProm, 2019. – P. 133-139.

шакллари акс эттиради, деган қоидага асосланади<sup>33</sup>. Тил когнитив (билиш) фаолиятини, яъни тафаккурнинг моҳияти ва тузилишини англашни таъминлайди. Тилнинг тизимли ва структурали табиати ҳамда инсон тафаккури ўртасидаги муносабат тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортмоқда ва уларни бир-бирига боғлаб ўрганишни олдиндан белгилаб бермоқда. Тилнинг структур тузилишга эгаллиги, инсон онгининг бир қисми сифатида, онгининг структураланганлигини тасдиқлайди ҳамда тафаккур ва онгни шакллантириш жараёнида тилнинг ўзи қандай роль ўйнаганлиги ҳақида ишонч билан гапиришга имкон беради<sup>34</sup>.

Онгни структуралаш жараёнида тил муҳим рол ўйнайди, чунки атроф-муҳит объектлари ва ҳодисаларини тоифалаштириш ҳамда концептуаллаштириш доирасида айнан тил билим бирликларини, умуман жамиятга, ва, хусусан, шахсга хос бўлган билиш моделларига мос равишда, оламнинг лисоний манзарасини шакллантиради ва уни структуралаган ҳолда моддийлаштиради.

Когнитив бирликлар орасида когнитив тилшуносликнинг асосий ҳодисаларидан бири бўлган билим тузилмалари (knowledge structure) алоҳида ўрин тутди<sup>35</sup>. Турли манбаларда берилган талқинлардаги баъзи номувофиқликларга қарамай, билим тузилмалари ўзаро боғлиқ концептлар тизимини ўз ичига олган катта ҳажмдаги маълумотлар тўплами сифатида белгиланиши мумкин. Ушбу тадқиқот доирасида биз борлиқнинг кенг кўламли парчалари, масалан, театр, кино ва телевидениени, санъатнинг томоша турлари ҳақидаги тасаввурни ўз ичига олган билимнинг когнитив тузилмаларига эътибор қаратамиз. Бунда уларнинг вербаллашиш шакллари тавсифлаш билан чекланмасдан, балки бадий матн маконида тасаввур ва идрок этиш усулларига ҳам мурожаат қилишга ҳаракат қиламиз.

Жаҳон тилшунослигида ҳам, юртимиз тилшунослигида ҳам лингвистик ва когнитив тузилмаларнинг ўзаро муносабатига алоқадор турли масалаларга бағишланган ишлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ж.Лакофф ва М.Жонсонларнинг метафора назарияси бўйича тадқиқотлари<sup>36</sup> жиддий тадқиқот бўлиб, унда метафора инсонга сезгилар орқали тўпланган билимлардан мавҳумроқ тушунчаларни идрок этишда фойдаланиш имконини берадиган усул ёки восита сифатида қаралади. Мулоқот иштирокчисининг онгида вақтинча пайдо бўладиган маълумотларни “оператив” сақлаш воситаси бўлган ақлий маконлар назарияси – когнитив конструктларни концептуал метафора назариясининг ривожланиши деб ҳисоблаш мумкин<sup>37</sup>.

Соҳага оид ишларнинг таҳлили когнитив тузилмалар универсал, этник ва индивидуал концептуаллаштириш тажрибасини ўз ичига олган бадий матн маконида когнитив бирликларни ўрганиш истиқболи эканлигига ишонч

<sup>33</sup> Evans V., Green M. Cognitive Linguistics. An Introduction. – Edinburgh University Press, 2006. – P. 5.

<sup>34</sup> Болдырев Н.Н. Язык и структура сознания // Когнитивные исследования языка, 2016. – № 24. – С. 36.

<sup>35</sup> Ashurova D.U., Galieva M.R. Cognitive Linguistics. – Tashkent: VneshInvestProm, 2018. – P. 43.

<sup>36</sup> Lakoff G., Johnson M. Metaphors We Live by. – Chicago: The University of Chicago Press, 2003. – 256 p.

<sup>37</sup> Fauconnier G. Mental Spaces. Aspects of Meaning Construction in Natural Languages. – Cambridge University Press, 2003. – P. 16-22.

ҳосил қилади. Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг эътибори, асосан, концептларнинг вербаллашиш шакллари аниқлаш, тавсифлаш ва тизимлаштиришга қаратилганлиги, бу жараённинг механизмлари эса етарлича тавсифланмасдан қолганлиги маълум бўлди.

Ушбу тадқиқот материални америкалик ёзувчи Жером Дэвид Сэлинджернинг шартли равишда “Гласслар оиласи” (“The Glass Family”, “Glass Series”) деб номланувчи туркумга бирлаштирилган ҳикоялари ва романлари ташкил этди, чунки мазмун, сюжет ва персонаж жиҳатидан бу асарлар бир оила аъзолари ҳақидаги ҳикоя асосида боғланган.

Ҳикоялар ва қиссаларнинг матнларида бир хил қаҳрамонлар эслатиб ўтилади, бир хил воқеалар, сахналар ва ҳоказолар тасвирланади. Бу ҳолат бутун “Гласслар оиласи”ни макроматн ёки ўзига хос интертекстуал макон сифатида тавсифлаш имконини беради. Шу билан бирга, “Гласслар оиласи” асарида бошқа матнларга, асосан, муқаддас, фалсафий ва бадиий, шу жумладан, поэтик адабиётга, яъни прецедент матнларга кўплаб ҳаволалар мавжуд. Ушбу ҳолат “Гласслар оиласи”ни бир бутун сифатида, унинг ҳар бир таркибий қисмини эса тўлиқ интерматн сифатида тавсифлаш имконини беради. Айни пайтда, “Гласслар оиласи” асарларининг матнлари ички ва ташқи дунёни лисоний воситалар ёрдамида фаол идрок этиш жараёни сифатида тақдим этилиши мумкин. Бу эса лингвокогнитив тадқиқотлар соҳасига тегишли.

Ж.Д.Сэлинджернинг бадиий ижоди XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда мактаб ва талаба ёшлар онгига сезиларли таъсир кўрсатди<sup>38</sup>. “Гласслар оиласи”нинг ҳикоялари ва қиссаларида европа ҳамда шарқ, шу жумладан, қадимги ҳинд адабий ва эстетик анъаналари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Ж.Д.Сэлинджер модернизмнинг кўзга кўринган намояндаси сифатида мунтазам равишда турли прецедент матнларга, турли шакллардаги – иқтибослар, ишоралар, пародиялар ва ҳоказоларга тўғридан-тўғри муурожаат қилади. Дзен-буддизм тушунчалари унинг ижодига сезиларли таъсир кўрсатди.

Қадимги ҳинд шеърияти қоидаларига амал қилиш Ж.Д.Сэлинджернинг “Nine Stories” тўпламига киритилган асарларида бевосита кузатилади, уларнинг бир қисми “Гласслар оиласи”га ҳам тегишли. Ушбу тамойилларга кўра, ҳар қандай бадиий асар суггестив даражада ҳам рўёбга чиқиши керак. Муаллифнинг вазифаси шеърий баённи шундай қуришдан иборатки, унда “дхвани” атамаси билан белгиланган тағмаёно, ишора мавжуд бўлсин. Дхванининг вазифаси ўқувчини маълум бир шеърий кайфият – “раса” (санскритча “таъм”) билан илҳомлантиришдир. Ўқувчи керакли кайфиятни бошдан кечирishi учун ёзувчи ишлаб чиқилган техника ва белгилар тизимидан фойдаланган ҳолда ўз асарини маълум бир тарзда тузиши керак эди.

“Гласслар оиласи” асарлари ҳам қадимги мифология, христиан ва буддизм таълимотларининг муқаддас матнлари, Ғарбий Европа, рус, америка

<sup>38</sup> Галинская И.Л. Философские и эстетические основы поэтики Дж.Д. Сэлинджера. – М.: Наука, 1975. – С. 3.

ва Шарқ адабиёти, санъат тарихи ва фалсафаси билан чамбарчас боғлангандир. Юқорида айтилганларнинг барчасини “Гласслар оиласи”даги асарларнинг ташқи интертекстуал алоқаларига киритиш мумкин. “Гласслар оиласи” маконининг концептуал яхлитлиги, яъни когнитив бирликларнинг концептуаллашиши ва “Гласслар оиласи” асарларининг интертекстуал маконида ўз лисоний ифодасини топиши алоҳида эътиборга лойиқдир.

Тадқиқотнинг 2-боби **“Интертекстуал бадий маконда концептуал бирликларнинг шаклланиши ва воқеланиши”** деб номланган бўлиб, мазкур боб бадий интертекст маконида мавҳумликнинг турли даражасидаги концептуал бирликларни вербал ифодалаш воситалари ва шакллантириш механизмларини ўрганишга ҳамда концептуал бирликларни шакллантиришда интертекстуал алоқалар (ишора, пародия)нинг ролини аниқлашга йўналтирилган.

Бадий асар матни когнитив бирликни шакллантириш, уни янги элементлар билан тўлдириш учун макон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, “Franny” қиссасида аниқ ҳиссий образ – “бўса аломати”нинг шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин.

Икки эпизодни таққослаш муаллифга образни ўқувчи онгида мустақкамлашга ҳамда коннотатив мазмун ҳисобига у ҳақидаги тасаввурни кенгайтиришга имкон беради, қиёсланг:

Lane noticed a faded but distracting enough lipstick streak on the lapel of Sorenson’s camel’s-hair coat [Salinger, 179]<sup>39</sup>; She [Franny] was wearing a sheared-raccoon coat, and Lane remembered that once he had kissed her coat lapel, as though it were a perfectly desirable, organic extension of the person herself [Salinger, 180].

Маълум бир элементга қайта муружаат қилиш омили аниқ-ҳиссий образни яратиш учун асосдир. Такрорлаш дискурсив хотирада аллақачон таниш бўлган элементни воқелантиради ва уни когнитив тушуниб етишнинг юқори босқичига олиб чиқади.

Концептуаллаштириш жараёнида матн макони кўламнинг кенгайиши янада мураккаб ва мавҳум когнитив бирлик – тушунчанинг шаклланиш жараёнини тасаввур қилиш имконини беради. Хусусан, “Franny” ва “Zooney” ҳикояларида мактублар ҳақидаги ўхшаш эпизодлар мавжуд (Лейн Френнининг поезди келишини кутаётганда ундан келган қисқа хабарни қайта ўқийди; Зуи ҳаммомда ўтириб, Баддининг ниҳоятда узун мактубини қайта ўқийди). Тавсифларнинг умумийлиги қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади: а) сақлаш жойи; б) ўқиш жойи; в) қайта ўқиш ҳолатлари (объектнинг ташқи кўриниши); д) расмий (ташқи) муносабат.

Ҳақиқатан ҳам, иккала адресат (Лейн Кутел ва Зуи Гласс) ҳам мактубларни ёнларида, бегона кўзлардан узоқда – пальтонинг ички чўнтагида ва шимнинг орқа чўнтагида сақлашади, қиёсланг:

---

<sup>39</sup> Бу ерда ва кейин ҳолатларда иқтибослар ушбу нашрдан олинган: Salinger J.D. Nine Stories. Franny and Zooney. Raise High the Roof Beam, Carpenters. – Moscow: Progress Publishers, 1982. – 438 p.

... he changed his mind and used the same hand to reach inside his coat and take out a letter from the inside pocket of his jacket [Salinger, 177]; ... it was exactly the kind of letter that a recipient, whether he wants to or not, carries around for some time in his hip pocket [Salinger, 209].


Қаҳрамонлар ёлғиз қолиб – Лейн темир йўл вокзалининг перронида, совуқда ва шамолда туриб, Зуи ҳаммомда ўтириб, мактубларни қайта ўқишади.

Иккала мактуб ҳам адресатлар томонидан қайта-қайта ўқилган, қиёсланг:

Lane was about halfway through this particular reading of the letter when he was interrupted ... [Salinger, 179]; Zooey Glass ... was seated in a very full bath, reading a four-year-old letter [Salinger, 205].

Лейн ва Зуи мактубларга нисбатан ташқи эътиборсизликни намоён қилишади, бу уларнинг мазкур хатларга нисбатан ҳақиқий муносабатига зид келади – Лейн ўзини мактубни унутгандек кўрсатади; Зуи мактубни ваннанинг четига қўйиб, сувга тушиб кетиш ва бўялиш хавфини туғдиради.

Бадий матн маконида конкрет-хиссий образ ва тушунчани шакллантириш механизми а) туркумлаштириш ва б) концептуаллаштириш амалларини изчил амалга оширишни назарда тутди. Категориялаштириш доирасида ўхшаш белгилар иккита объектда аниқланади ва ўзаро боғланишда бўлади. Бу ҳолат хусусиятларни концептуаллаштириш ва натижада когнитив бирликни шакллантириш учун асос яратади. Бунда концептуаллаштириш жараёни индуктив характерга эга ва уни диаграмма шаклида тасвирлаш мумкин (1-расм), бу ерда  $A_1, A_2, \dots, n_1, n_2$  – объектларнинг ўзаро боғланишли бўлган тавсифлари;  $A, B, \dots, n$  – концептуал бирликнинг тавсифлари:



**1-расм. Бадий матн маконида когнитив бирликнинг индуктив шаклланиши.**

Концепт қанчалик ҳажмли ва мавҳум бўлса, а) шунчалик ранг-баранг лисоний шаклларда вербаллашиши ва б) кўп жиҳатдан тақдим этилиши мумкин.

“Гласслар оиласи” асарларида муаллиф WISDOM / ДОНИШМАНДЛИК, ёки аниқроғи “clever man / доно эр” концептини тушунишга қайта-қайта мурожаат қилади. “Rise High the Roof Beams, Carpenters” қиссасида Бадди Гласс акаси Симорнинг ташки тавсифларга эътибор бермай, ҳақиқатни кўриш қобилиятига эга бўлган ҳақиқий донишмандни тасвирлайдиган сеvimли даос масалини ўз сўзи билан айтиб беради: [he] keeps in view the spiritual mechanism; he forgets the homely details; he loses sight of the external; he sees what he wants to see; he looks at the things he ought to look.

Ушбу умумий хусусиятлар “Гласслар оиласи” асарларида ранг-баранг лисоний воситалар билан ифодаланади. Масалан, “Zooeу” ҳикоясида Бадди Гласс Симорнинг кўзга кўринадиган фарқларнинг хаёлийлиги ҳақидаги сўзларини иқтибос қилиб келтиради, қиёсланг:

Seymour one said to me [...] that all legitimate religious study must lead to unlearning differences, the illusory differences, between boys and girls, animals and stones, day and night, heat and cold [Salinger, 216].

“A Perfect Day for Bananafish” ҳикоясининг матнида Симор чўмилиш кийими рангида хато қилади:

“I like, it’s a blue bathing suit”.

“This is a *yellow*”, she said. “This is a *yellow*”.

“Is it? Come a little closer”.

Sybil took a step forward.

“You’re absolutely right. What a fool I am” [Salinger, 34].

Бадди Гласс ташки фарқларга эътибор бермаслик ҳолатларига ҳам дуч келади, бу субъектнинг донолигидан далолат беради, қиёсланг:

I asked her how many boy friends she had. She held up two fingers. “Two!” I said. “That’s a lot of boy friends. What are their names, sweetheart?” Said she, in a piercing voice, “Bobby and Dorothy” [Salinger, 214].

Муаллиф WISDOM/ДОНИШМАНДЛИК концепти мазмунига бошқа белгиларни ҳам киритади. Масалан, Бадди ўз мактубида онгни жисмоний хасталикка ўхшатган Симорнинг сўзларидан иқтибос келтиради, унинг намоён бўлиши оқсоқлик каби кўзга кўришиб туради, қиёсланг:

Years ago I one read a new story aloud to S. and Boo Boo. When I finished, Boo Boo said flatly that the story was “too clever”. S. shook his head [...] and said cleverness was my permanent affliction, my wooden leg, and that it was in the worst possible taste to draw the group’s attention to it. As one limping man to another, old Zooeу, let’s be courteous and kind to each other [Salinger, 217].

Концептнинг ушбу элементи ўзининг лисоний ифодасини суперматн даражасида топади ва у ёки бу персонажни донишманд сифатида билвосита тавсифлаш имконини беради. Масалан, “For Esmé – with Love and Squalor” ҳикоясида, қиёсланг:

Charles led the way out limping tragically, like a man with one leg several inches shorter than the other [Salinger, 101].


Битта элементни концептнинг ажралмас қисми сифатида белгилаш (оқсоқланиш донишмандлик белгиси сифатида) ушбу элементни супертекст маконида аниқлаш ва уни концепт белгисига айлантириш имконини беради.

Шунга ўхшаш тамойил асосида (нуқсон донолик белгиси сифатида) муаллиф Зуи ва Френни (“Zooeу” ҳикояси) ақли одамлар сифатида тавсифлайди, қиёсланг:

We are the Tattooed Lady, and we’re never going to have a minute’s peace [...] till everybody else is tattooed, too [Salinger, 262].

Татуировка қилинган аёлнинг, яъни бошқалардан кескин фарқ қиладиган одамнинг образи бошқаларнинг эътиборини тортадиган чўлок образи билан бирлашади.

Шундай қилиб, “Гласслар оиласи”нинг супертекст майдонида дедуктив табиатга эга бўлган концептни яратишнинг нафақат лисоний шакллари, балки когнитив механизмларини ҳам кузатиш мумкин, чунки даставвал асосий белгилар вербал ифодаланади, сўнгра улар ўзига хос бадий образ ва деталлар шаклида гавдаланади. Концепт шаклланишининг бу жараёнини схема кўринишида тасвирлаш мумкин (2-расм), бу ерда А, В, ... n – когнитив бирликнинг концептуал хусусиятлари, А<sub>1</sub>, А<sub>2</sub>, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, ... n<sub>1</sub>, n<sub>2</sub> эса суперматн маконидаги хусусиятларнинг ўзига хос бадий мужассамланишларидир.



**2-расм. Бадий (интер-)текст маконида когнитив бирликнинг дедуктив шаклланиши.**

Кенг кўламли когнитив бирликни рўёбга чиқариш кўпинча интертекстуал босқичга ўтишни талаб қилади. Бадий матнга нисбатан интертекстуаллик ҳар қандай матнда муайян олдматнларга ёки прецедент матнларга бевосита ва билвосита ҳаволалар мавжудлигини назарда тутади<sup>40</sup>. Ишора (аллюзия) интертекстуалликни ифодалаш усулларида бири ҳисобланади. Ишора “матн-реципиентда билиб олишни таъминлашга хизмат қиладиган олдматннинг алоҳида элементларини ўзлаштириб олиш”<sup>41</sup> деб таърифланиши мумкин. Биз ишорани лингвокогнитив аспектда, яъни прецедент матн билан ифодаланган билимнинг маълум бир тузилишини фаоллаштириш усули сифатида ҳам кўриб чиқамиз.

<sup>40</sup> Безруков А.Н. Поэтика интертекстуальности. Учебное пособие. – Бирск: Бирск. гос. соц.-пед. академия, 2005. – С. 3.

<sup>41</sup> Фатеева Н.А. Интертекст в мире текстов. – СПб.: КомКнига, 2007. – С. 89.

“Franny” қиссасида прецедент бадий матнга ишора – Г.Флобернинг “Madame Bovary” романининг қишлоқ хўжалиги ярмаркасидаги машҳур сахнани ўз ичига олган парчаси мавжуд. Лейннинг нутқи аллюзив ҳаволанинг белгиси бўлиб, унда у Флобер ижоди ҳақидаги эссеси билан мақтанади.

Қисса матнида иккита ўхшаш парча ҳам бор: Лейн ўзининг ўқишдаги муваффақиятлари ҳақида гапирганда, Френни уни эътиборсиз тинглайди ва овқатга тегишли луқмалар билан унинг гапини бўлади; Френни диний-тасаввуф мазмундаги китоб ҳақида иштиёқ билан гапирганда, Лейн фақат ўз ликобчаси ичидаги нарсалар ҳақида луқмалар ташлаб туради. Суҳбатнинг бу параллел схемаларини қишлоқ хўжалиги ярмаркаси пайтида Родолф Буланженинг Эмма Бовари билан суҳбати сахнасига ишора сифатида кўриш мумкин, зеро, Родолфнинг сохта романтик суҳбати ярмарка овозлари ва товушлари билан аралашиб кетган. Ж.Д.Сэлинджер матнининг ушбу парчаси “Бовари хоним” романидаги сахнанинг том маънода акс эттирилиши, такрорланиши бўлмасдан, балки унга ишора бўлиши принципиал жиҳатдан муҳимдир. Лингвокогнитив нуқтаи назардан биз ишора вазифасини билимларнинг муайян тузилишини (бу ҳолда, прецедент матни) янги талқин қилиш ёки тушуниб етиш мақсади билан фаоллаштиришда кўрамиз.

“Гласслар оиласи”даги қисса ва ҳикояларнинг матнларида нафақат бадий адабиёт, балки фалсафий ва диний асарларга ҳамда Инжил матнларига ҳам интертекстуал ҳаволалар мавжуд. Масалан, “Rise High the Roof Beams, Carpenters” ҳикоясининг матнида инжил сюжетида кинояли ҳавола бор, унга кўра ҳаворий Петр қувғинлардан кўрқиб, уч марта Масихдан кечади, қиёсланг:

“Are you a friend of the bride’s or the groom’s?” she [Mrs. Silsburn] asked, delicately getting down to brass tacks.

“Well, actually, I’m not exactly a friend –” [Salinger, 315].

“Are you a friend of his?”

There was something distinctly intimidating about her stare.

“We were boys together”, I answered, all but unintelligibly [Salinger, 317-318]

“Do you have any idea where he is, by any chance?” she demanded, with metal in voice. “If you were boyhood friends, you should have some –”

“I just got into New York about two hours ago”, I said nervously [Salinger, 318].

Ҳикоя матнидаги аллюзия кинояли табиатга эга – вазиятнинг ўхшашлигига қарамай, ҳаворий Петрни шафқатсиз қатл қилиш таҳдидини Бадди билан содир бўлиши мумкин бўлган (ва охир-оқибат содир бўлган) нарса билан солиштириб бўлмайди. Матни билимлар структураси сифатида концептуаллаштириш унга прецедент матн сифатида қўлланиш имконини беради, унинг матн-реципиент билан ўзаро боғлиқлиги уни истехзоли тарзда қайта тушунилишини таъминлайди.

